# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 29 декабрь, № 271 (7501) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИННОВАЦИОН МУҲИМ ЛОЙИҲАЛАР ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва қуриб битказилган янги саноат мажмуалари билан танишиш мақсадида 28 декабрь куни ушбу вилоятга ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари "Навоийазот" акциядорлик жамиятида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Президентимиз йиғилганларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклаб, ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқишига ҳисса қўшган қурувчи ва кимёгарларга ҳамда чет эллик ҳамкорларга миннатдорлик билдирди.

— Бундай муҳим, замонавий ва инновацион лойиҳалар Навоий вилояти иқтисодиёти ва унинг "локомотиви" бўлган саноат соҳасини янгилаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли ва бюджет даромадларини жадал оширишга хизмат қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кейинги йилларда эртанги кунни ўйлаб қабул қилинган истиқболли режалар самарасида Навоий жадал янгиланиб бораётган илғор вилоятлар қаторидан жой олди. Буни аниқ рақамлар ҳам яққол тасдиқлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 10 фоизи айнан Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келади. Вилоят аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот, инвестиция, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларлари бўйича мамлакатда биринчи ўринни эгаллайди. Хизматлар ва чакана савдо бўйича пойтахтимиздан кейин иккинчи ўринда туради.

Вилоятда жорий йилда умумий қиймати қарийб 1,4 миллиард доллар бўлган 7 та давлат аҳамиятига эга ва 360 та ҳудудий инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилди. Хусусан, ишга туширилган ва амалга оширилаётган йирик лойиҳалар орасида "Навоийазот" акциядорлик жамиятининг 1,7 миллиард долларлик 3 та лойиҳаси алоҳида ўрин тутади.

Ушбу лойиҳаларнинг биринчи — поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасининг очилиши мамлакатимизда мазкур турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Мажмуани барпо этиш, энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлашга 500 миллион доллар инвестиция сарфланди. Бу ерда йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол ишлаб чиқарилади.

Бу маҳсулотларга автомобилсозлик, тўқимачилик, металлургия, кимё, нефть-газ тармоқлари, электр техникаси ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда, айниқса, талаб юқори. Улар шу пайтгача катта валюта эвазига импорт қилинар эди. Жорий йилнинг январь — ноябрь ойларида қиймати 86 миллион 400 минг долларлик қарийб 90 минг тонна поливинилхлорид импорт қилинган. Янги корхона ишга туширилгач, энди шунча маблағ ўзимизда қолади.

Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси юртимиз корхоналарини зарур хом ашё билан таъминлайди. Шунингдек, ҳар йили 40 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган. Янги мажмуада 900 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Ушбу лойиҳа Хитойнинг "China CAMC Engineering Co., LTD" ва "HQC Shanghai Company" компаниялар консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилди.

"Навоийазот"да яқин вақт ичида қиймати 217 миллион доллар бўлган янги замонавий азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича иккинчи лойиҳа якунланади.

Давлатимиз раҳбари "Навоийазот" акциядорлик жамиятидаги учта йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш осон бўлмаганини қайд этди.

— Ҳар қанча қийин бўлмасин, катта марраларни мақсад қилиб қўйиб, ташаббус кўрсатиб, фидойилик билан меҳнат қилсак, албатта, уларга эришамиз, — деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятининг салоҳияти бундан-да юқори экани, уларни ишга солиш учун зарур шароит ва мутахассислар етарли эканини қайд этди.

— Саҳро бағрида Навоий ва Зарафшон каби шаҳарларни, саноат минтақасини барпо этган вилоятнинг меҳнаткаш, мард ва олижаноб аҳолиси янги Ўзбекистон ривожига катта ҳисса қўшишига ишонаман, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент рамзий тугмани босиб, корхонани ишга туширди.

Маросимда "China CAMC Engineering Co., LTD" инжиниринг корпорацияси вице-президенти Ванг Юханг, меҳнат фахрийси Раҳмат Омонов, "Навоийазот" АЖ Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси Толмас Рўзимуродов, "Полипропилен қувурлар" корхонаси раҳбари Мадия Сабитова ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишга туширилган мазкур янги мажмуа мамлакатимиз саноатини ривожлантиришда улкан иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

Президентимиз "Навоийазот" акциядорлик жамиятида барпо этилаётган аммиак ва карбамид ҳамда азот кислотаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилишини кўздан кечирди.

"Навоийазот" акциядорлик жамияти мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, нефть-газ тармоғи, энергетика ва тоғ-кон саноатига 70 дан ортиқ турдаги маҳсулот етказиб берувчи йирик корхоналардан биридир. Юқори саноатлашган маҳсулотлар ушбу тармоқлар эҳтиёжини қоплаш билан бирга, экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Бугунги кунда жамият таркибидаги корхоналарда қарийб 9 минг ишчи-муҳандислар меҳнат қилади.

Корхонанинг рақобатбардошлигини ва қувватини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида бу ерда учта йирик инвестицион лойиҳа режалаштирилган эди.

Давлатимиз раҳбари шулардан иккитаси — аммиак ва карбамид ҳамда азот кислотаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилишини кўздан кечирди.

Биринчи лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлиб, унинг самарасида йилига 660 минг тонна аммиак ва 580 минг тоннадан зиёд карбамид олиш имконияти яратилади. 500 га яқин иш ўринлари пайдо бўлади. Корхонани келаси йили ишга тушириш, йилига 136 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Япониянинг "Mitsubishi Heavy Industries" ва "Mitsubishi Corporation" компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда қурилаётган янги корхонада замонавий технологиялар қўлланиши эвазига йилига 735 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалади, атмосферага чиқадиган карбонат ангидрид газлари миқдори ҳам камаяди.

Президентимиз корхонанинг ишчи-муҳандислари билан суҳбатлашди. Бундай ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳимлигини, юқори самарадорлиги билан кўплаб тармоқларга, халқимизга катта манфаат келтиришини таъкидлади.

"Навоийазот"да қурилаётган яна бир йирик корхона — азот кислотаси ишлаб чиқариш мажмуасидир. Умумий қиймати 217 миллион долларга тенг ушбу объект Швейцариянинг "CASALE SA" компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилмоқда. Корхона йилига 500 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади. Ҳозирги кунда ускуна ва жиҳозлар ўрнатилиб, қурилиш-монтаж ишлари якунланмоқда. Уни 2020 йил февраль ойида ишга тушириб, март ойида биринчи маҳсулот чиқарилиши режалаштирилган.

Шу тариқа 55 йил олдин қурилган, ҳар томонлама эскирган азот кислотаси цехлари фойдаланишдан чиқарилади. Энг муҳими, 1 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун электр энергияси сарфи 18 баробар камаяди, ҳавони ифлослантирадиган 150 минг тонна газ тутиб қолинади.

Давлатимиз раҳбари бу омиллар Навоий вилояти экологияси, ҳаво мусаффолиги, аҳоли саломатлиги учун ғоят муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоиз, дунёда бу турдаги заводлар фақат икки давлатда — Франция ва Чехияда мавжуд. "Навоийазот"да барпо этилаётгани учинчисидир.

Мазкур объект қурилиши 2016 йил декабрь ойида бошланган эди. Ҳозирги кунда лойиҳалаш, ускуна ва жиҳозларни олиб келиш, қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунланган.

Лойиҳа доирасида созлаш ишлари 2020 йил февраль ойида якунланиб, дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Корхона тўла қувват билан иш бошлагач, бир кеча-кундузда 1,5 минг тонна маҳсулот тайёрланади.

Мазкур корхона ҳам энг сўнгги технологиялар асосида барпо этилмоқда. Азот ишлаб чиқариш бўйича эски корхонада ўнта агрегатда йилига 320 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқарилган бўлса, янги заводда битта агрегатнинг ўзида 500 минг тонна маҳсулот тайёрланади. Бу ҳам мажмуанинг технологик имкониятлари анча юқори эканидан далолатдир.

2019 йил август — сентябрь ойларида "CASALE SA" компанияси мутахассислари томонидан "Навоийазот" АЖнинг ушбу лойиҳада ишлаш учун танланган 80 нафар мутахассиси ўқитилди. 18 нафар мутахассис 2020 йил январь ойида Франциядаги шундай заводда малака оширади.

Ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий барқарорликка эришишида эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни катта. Бу каби зоналар аҳамияти мамлакат тараққиётининг иқтисодий, ижтимоий, демографик мезонлари билан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатимизда "Навоий", "Ангрен", "Жиззах", "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналари фаолият юритмоқда.

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган, замонавий, юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида юртимизда биринчилардан бўлиб "Навоий" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган эди. Бугун бу ерда Жанубий Корея, Буюк Британия, Италия, Хитой, БАА, Ҳиндистон, Сингапур, Россия давлатлари билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. ЭИЗ ҳудудида жойлашган корхоналарда 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги "Навоий" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш ва Навоий вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, рақобатбардош янги замонавий ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантиришнинг янги тизими яратилди. Шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилган алоҳида ҳудудларда жойлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2018 йил 2 март куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида "Навоий" эркин иқтисодий зонасида истиқболдаги режалар тақдимоти билан танишган эди. Тақдимотда давлатимиз раҳбарига 2017 — 2019 йилларда 32 лойиҳа амалга оширилиб, 1650 дан зиёд иш ўринлари яратилиши, бунда электротехника, фармацевтика ва тиббий буюмлар, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилгани ҳақида маълумот берилган эди.

Президентимиз жорий йил 13 март куни мазкур ҳудудга навбатдаги ташрифи чоғида Навоий вилоятини эркин иқтисодий зонага айлантириш ташаббусини илгари сурди.

Бу галги ташрифда давлатимиз раҳбари ана шу ташаббус ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан қизиқди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, иқтисодий зонада умумий қиймати 276,2 миллион долларлик 39 корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида иқтисодий зонада 27 янги тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган ва улар томонидан жалб этилган инвестиция лойиҳаларининг умумий қиймати 437 миллион долларни ташкил қилади. Ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларининг сони эса 66 тага етди.

"Навоий" ЭИЗнинг умумий майдони 564 гектар. "Навоий" халқаро аэропорти, Е-40 автомагистрали ва халқаро аҳамиятдаги темир йўлга яқин жойлашгани, Навоий вилоятининг мултимодал транспорт-логистика тармоғидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги қўшимча қулайликлар яратади.

— Вилоятда иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун барча шароит мавжуд. Иқтисодиётни ривожлантиришдаги долзарб вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини жадаллаштириш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Албатта, инвестицияларни жалб қилишда, инвесторлар учун қулай шарт-шароит яратишда эркин иқтисодий зоналар фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги "Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди.

Навоий вилоятида инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошираётган корхоналарга "Навоий" эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақоми берилади. Табиийки, бундай ишлаб чиқарувчилар эркин иқтисодий зона иштирокчиси учун белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланади.

Президентга "Навоий" эркин иқтисодий зонасида истиқболда амалга ошириладиган янги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари "National plast" масъулияти чекланган жамияти томонидан саноатнинг янги тармоғи ПВХдан профил ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёни билан танишди.

Мазкур корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қурилиш бозорида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бормоқда. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 10 минг тоннадан ортиқ. Корхонада 400 дан кўпроқ янги иш ўринлари яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

— Бу каби корхоналарни қуришда биринчи навбатда сифатга эътибор қаратиш керак. Бинолари ихчам бўлса ҳам, асосан, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш муҳим, — деди давлатимиз раҳбари.

Асосий материал экологик тоза ва хавфсиз пластик хом ашё ҳисобланади. Барча хом ашё ресурслари Италиянинг замонавий техникалари асосида тўлиқ автоматлаштирилган тартибда амалга оширилади. Натижада экстузия жараёни учун тайёр полимер вужудга келади. Экструдер қурилмалари ёрдамида полимер қоришма юқори ҳароратда катта босим остида ҳайдалиб, полимер қоришмадан пластмасса ҳосил бўлади. Айни пайтда корхонада 44 экстузия линияси ишлаб турибди.

Профилларга қолип ва кабель ёрдамида шакл берилади. Ушбу маҳсулотлар юқори сифати ва турли шароитларга ўта чидамлилиги билан ажралиб туради.

Президентга корхона лойиҳасининг иккинчи босқичи ҳақида маълумот берилди. 2020 йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топшириладиган ушбу лойиҳа натижасида 40 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш, 10 миллион долларлик маҳсулотни эса экспорт қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, иқтисодий ҳудудда "Green Line Profil" масъулияти чекланган жамияти фаолияти ҳам давлатимиз раҳбари эътиборида бўлди.

Корхона томонидан алюминий профил ва алюминий маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Умумий қиймати қарийб 40 миллион доллар бўлган мазкур корхона 2018 йилда ишга туширилган. 650 иш ўрни яратилган. Жорий йилда 18,6 минг тонна маҳсулот тайёрланди ва 10 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Янги йилдан ишлаб чиқариш ҳажмини 22 минг тоннадан ошириб, экспорт миқдорини 14 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар МДҲ мамлакатлари, Украина, Литва, Польша, Чехия, Германия, Канада, АҚШ ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Корхонанинг алюминий эритиш цехида автоматик кўтарилувчи 15 ва 30 тонналик печлар бўлиб, уларда ўртача 700 — 750 даража ҳароратда эритилади. Шундан сўнг суюқ металл қуйиш столи орқали ўртача бир соатда қуйилади.

Қуйиш цехидан чиққан алюминий биллетлар (яримтайёр маҳсулот) турли профиллар ишлаб чиқариш учун экстузия цехига йўналтирилади. Ҳозирги кунда 4000, 2000, 1000 тонналик пресслар ишлаб турибди. Ушбу технологиялар замонавий ва тежамкорлиги бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонанинг иш жараёни, маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди. Импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириб, аҳолини арзон ва сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи якунланди.


**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**


**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

# ОЧИҚЛИК, КОНСТРУКТИВЛИК ВА ПРАГМАТИК ЁНДАШУВ

## Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида ташқи сиёсатда қандай муваффақиятларга эришмоқда

*Мамлакатимиз миллий манфаатларини илгари суриш, Марказий Осиёни барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт минтақасига айлантиришга қаратилган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг изчил, чуқур ўйланган ташқи сиёсий курсини амалга ошириш бўйича фаол ишлар жорий йилда изчил давом эттирилди. Давлатимиз раҳбари кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизациялашнинг динамик жараёнларини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиш, Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, мамлакатнинг халқаро иқтисодий алоқалар тизимидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, давлатнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ҳамда ижобий имижини кучайтиришни Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий мақсадлари сифатида белгилаб берди.*

### Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари

Мураккаб, тез ўзгарувчан глобал жараёнлар, халқаро муносабатлар ва жаҳон иқтисодиётидаги янги таҳдидлар, шунингдек, минтақадаги ғайриоддий вазият шароитида Ўзбекистоннинг очиқ, прагматик ва конструктив ташқи сиёсатини амалга оширишда сезиларли натижаларга эришилди.

Алоҳида эътибор давлат раҳбарининг топшириқлари ва Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини бажаришга қаратилди.

Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Жанубий Корея ҳамда Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, ислом дунёсидаги бошқа шерик мамлакатлар билан муносабатларнинг кун тартиби сезиларли даражада бойитилди.

Икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар анча жадаллашди. 2019 йилда 18 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди. Булар — Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон, Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Марказий Осиё мамлакатлари, Беларусь, Озарбайжон, Япония ва Россия Федерациясига амалга оширган давлат ҳамда расмий ташрифлари. Айни пайтда Марказий Осиё мамлакатлари, Корея Республикаси, Германия давлат раҳбарлари, Европа Иттифоқи раҳбари, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳукумат раҳбарлари мамлакатимизга ташриф буюрдилар.

Олий ва юқори даражадаги тадбирлар доирасида 122 та икки томонлама ҳужжат имзоланиб, улардан тўрттаси давлатлараро битим, 31 таси ҳукуматлараро битим, шунингдек, 35 таси ташкилотлар ва минтақалар орасида имзоланган бошқа ҳужжатлардир.

2019 йил якунида, 17 — 20 декабрь кунлари Ўзбекистон Президенти Японияга расмий ташриф буюрди. Бу ташрифни ўта самарали, икки мамлакат раҳбарлари ўртасида ўзаро ишончни ва давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда янги саҳифани очган воқеа сифатида баҳолаш мумкин. Ташриф дастурининг тадбирларга бойлиги ва унинг давомида умумий қиймати 6,5 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган 48 та битим ва шартноманинг имзоланиши мамлакатимизнинг очиқ ва чуқур ўйланган ташқи сиёсий фаолиятининг муваффақиятини ҳамда республикамизнинг миллий манфаатларига йўналтирилганини намоён қилди.

Ташқи ишлар вазирлиги хорижий давлатлар билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича 90 га яқин дастурларни амалга оширмоқда. 2019 йил декабрь ойида Вазирлар Маҳкамаси 2019 — 2022 йилларда Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун 52 та янги “йўл хариталари”ни тасдиқлади.

Марказий Осиёда сиёсий ишонч ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Президентининг янги йўналиши ҳаётга татбиқ этилмоқда. Қўшни давлатлар билан муносабатларда йиллар давомида ҳал этилмаган кўплаб муаммолар босқичма-босқич ечилмоқда.

Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантириш ғоялари ҳаётга татбиқ этилди. Мамлакатимизнинг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан дўстона, ишончли ҳамда қардошлик муносабатлари барча даражада жадал кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда.

2019 йил учун асосий ташқи сиёсий тадбир, шубҳасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан асос солинган ва жорий йил 29 ноябрь куни Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви бўлди. Саммитда мамлакатлар раҳбарлари мунтазам равишда маслаҳат учрашувларини “минтақадаги ҳамкорликнинг долзарб масалаларини ва умумий муаммоларни ҳал қилишда конструктив ва очиқ муҳокама қилиш учун музокаралар майдони сифатида” ташкил этишга келишиб олдилар.

Ушбу саммит, авваламбор, давлатимиз раҳбарининг шахсан қўшган ҳиссаси туфайли дўстлик, яхши қўшничилик, кенг қамровли ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**2019 йилда** 18 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди. Олий ва юқори даражадаги тадбирлар доирасида 122 та икки томонлама ҳужжат имзоланиб, улардан тўрттаси давлатлараро битим, 31 таси ҳукуматлараро битим, шунингдек, 35 таси ташкилотлар ва минтақалар орасида имзоланган бошқа ҳужжатлардир.

Маслаҳат учрашуви арафасида вазирликлар ва экспертлар даражасида пухта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Тошкентда кўп томонлама муҳим тадбирлар амалга оширилди. Улар қаторида Марказий Осиё давлатлари Бош вазир ўринбосарлари ва ушбу беш мамлакатнинг 200 дан ортиқ давлат органлари ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида биринчи Марказий Осиё иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларга аввалроқ ташкил этилган “Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар” мавзуидаги халқаро конференция асос бўлди. Унда 30 мамлакатдан 100 дан ортиқ сиёсатшунос ва расмийлар иштирок этди.

2019 йилда “Ҳиндистон + Марказий Осиё” шаклида минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги механизми ишга туширилди. Самарқандда Афғонистон иштирокида ташқи ишлар вазирлари даражасида ушбу шаклдаги биринчи учрашув бўлиб ўтди.

Тошкентда ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасида “Марказий Осиё + Афғонистон” форуми муваффақиятли ташкил этилди.

Жорий йил давомида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти диққат марказида бўлиб келаётган йирик тадбирларни ўтказди. Улар орасида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиниши алоҳида ўрин тутди. Форум давомида БМТ Бош Ассамблеясининг Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси лойиҳаси келишиб олинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан яратилган БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг лойиҳаларини молиялаштириш учун Норвегия томонидан — 1,2 миллион евро, Европа Иттифоқи томонидан эса 5,2 миллион евро ажратилди.

Ўзбекистоннинг конструктив фаолияти халқаро тузилмалар, авваламбор, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида кенгайиб бормоқда. Европа Иттифоқи билан кўп қиррали мулоқот ва ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 25 та дастур амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг дунё ҳамжамияти томонидан катта эътибор ва қўллаб-қувватланган қатор халқаро ташаббуслари амалга оширилди.

Шундай қилиб, 2019 йилда ўзбек дипломатияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг иккита янги резолюциясини — “Барқарор туризм ва Марказий Осиёда барқарор ривожланиш”, шунингдек “Орол денгизини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш”ни қабул қилишни таъминлади.

ЮНЕСКО билан ҳамкорлик фаоллашди, Тошкент глобал миқёсда “Таълимни қўллаб-қувватловчи намунавий шаҳарлар” тармоғига қўшилди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ЮНЕСКОнинг Динлар тарихини ўрганиш кафедраси фаолияти қайта тикланди.

Яна бир эътиборли воқеа — 15 октябрь куни Бокуда бўлиб ўтган саммитда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг тўлақонли аъзоси бўлди. Бу, шубҳасиз, туркий тилли давлатлар ўртасида иқтисодиёт, инвестиция, фан ва инновация, юқори технологиялар, экология, транспорт ва туризм каби устувор соҳалардаги ҳамкорликнинг кенгайишига муҳим туртки беради.

Қадимий маданиятга эга ва ислом тамаддуни ривожига алоҳида ҳисса қўшган Ўзбекистоннинг ўрни ва ролини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан Тошкентда минтақада биринчи Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилмоқда.

Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) Хивани “Туркий дунёнинг маданий пойтахти”, Ислом ҳамкорлик ташкилоти — Бухорони “Ислом дунёсининг маданий пойтахти” деб эълон қилди.

**2019 йил** учун асосий ташқи сиёсий тадбир, шубҳасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан асос солинган ва жорий йил 29 ноябрь куни Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви бўлди.

Муҳим ташқи сиёсат масалаларини ҳал этишда парламент дипломатиясининг мустаҳкамланишини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Миср билан парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи тузилган, Кувайт Миллий мажлиси, Россия Давлат думаси ва Германия Бундестаги делегациялари Ўзбекистонга, Олий Мажлис Сенати делегациялари эса Швеция ва Норвегияга ташриф буюрди.

Иқтисодий дипломатия Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим таркиби сифатида тасдиқланди.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш туфайли хорижий инвестициялар ва янги технологияларни жалб этиш, Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини кенгайтириш, миллий маҳсулотларни жаҳон бозорларига экспорт қилишни ошириш, халқаро транспорт йўлакларини шакллантириш ва бошқа инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишлар самарадорлиги ошди.

2019 йилда Ўзбекистон дипломатик миссияларида 1200 дан ортиқ бизнес форумлари ўтказилди. Хорижий ишбилармон доиралар вакиллари ва хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга 3000 дан ортиқ ташрифлари ташкил этилди, мамлакатимиз иқтисодий институтларининг хорижга 1100 дан ортиқ ташрифлари амалга оширилди.

Буюк Британия, Корея Республикаси, Россия, Венгрия, Бирлашган Араб Амирликлари, Австрия, Германия ва бошқа давлатлар билан 29 та ҳукуматлараро комиссияларнинг учрашувлари бўлиб ўтди.

Шунингдек, элчиларимизнинг ўзларига бириктирилган мамлакатимиз ҳудудларига 170 дан ортиқ амалий ташрифлари ташкиллаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифлари давомида элчихоналар томонидан қишлоқ хўжалиги, саноат, коммунал хўжалиги, қурилиш, тиббиёт, фармацевтика, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда умумий қиймати 5,25 миллиард долларлик 256 та инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг 18 та элчихонаси Наманган вилоятига бириктирилди. Айни пайтда ҳокимият билан яқин ҳамкорликда умумий қиймати 1,67 миллиард долларга тенг 200 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жорий йилда 300 миллион доллар ўзлаштирилди.

Жумладан, 7-8 июнь кунлари Наманган шаҳрида Ташқи ишлар вазирлиги ва элчихоналар кўмагида 40 мамлакатдан 350 нафар хорижий бизнес вакиллари иштирокида биринчи йирик халқаро инвестиция форуми ташкил этилиб, 358 миллион долларлик 48 та инвестиция ва экспорт шартномалари имзоланди.

2019 йилнинг 11 ойи мобайнида дипломатик ваколатхоналаримиз жойлашган мамлакатларга Ўзбекистон Республикаси маҳсулотларини экспорт қилиш 19,2 фоиз ошди ва 10,2 миллиард АҚШ долларига етди.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Сайёҳлик визасини олишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган давлатлар сони 77 тага етди.

Хорижий мамлакатлардан 13 та жамоатчилик ва маданият арбоблари Ўзбекистон сайёҳлик брендининг элчилари этиб тайинланди. Хорижий давлатлардан Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини оширишга қаратилган 8 та “Йўл харитаси” тасдиқланди. Хориждаги 50 та сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистон сайёҳлик компанияларининг иштирок этишига ёрдам кўрсатилди. Натижада шу давр ичида туристлар сони 27,1 фоиз ошиб, 6,23 миллион кишини ташкил этди.

Таълим соҳасида хорижий давлатлар билан алмашинувлар ва ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. 2019 йилда Ўзбекистонда Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан хорижий таълим муассасаларининг 10 та филиали ташкил этилди.

Давлат ташқи сиёсатининг қонунчилик асослари такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсат фаолияти концепцияси тўғрисидаги, Дипломатик хизмат тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш концепцияси яратилди.

Халқаро шартномалар тўғрисида, Консуллик низомини тасдиқлаш тўғрисидаги қонунлар, шунингдек, “Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотларга хизмат кўрсатишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Минтақавий ва универсал ташкилотлар доирасида якунланаётган йилда Ўзбекистон 11 шартномани имзолади ва 28 та халқаро шартномани ратификация қилди ҳамда қўшилди.

Чет элда Ўзбекистон фуқароларига консуллик идоралари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари ва ҳуқуқий ёрдам тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналарига мурожаат қилган фуқароларимизга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида фуқаролар билан электрон алоқанинг янги “Интерфаол консуллик хизматлари” ахборот тизими жорий этилди.

2019 йилда Ақтау, Олмаота, Владивосток, Қозон, Ростов-Донда Ўзбекистоннинг Бош консулхоналари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасига визасиз тартиб ўрнатилган мамлакатлар рўйхати 86 тагача кенгайтирилди. 57 мамлакат фуқаролари электрон виза олиш учун мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди, инвесторлар учун уч йилгача бўлган кўп сонли кириш визаларининг янги тоифаси “Investment visa” жорий этилди.

Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари хориждаги ватандошлар иштирокида 500 дан ортиқ турли тадбирларни ташкил этди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан биргаликда ватандошларимиз орасидан юқори малакали мутахассисларни Ўзбекистонда иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида 2019 йилги парламент сайловларига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича кенг қамровли ахборот ишлари олиб борди. Жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонга қизиқиши сезиларли даражада ошгани натижасида, мамлакатимизга 700 дан ортиқ халқаро кузатувчилар, шу жумладан, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли делегацияси ташриф буюрди.

Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари томонидан фуқароларимизнинг хорижий давлатлардаги конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, уларнинг овоз бериш жараёнида ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча зарур шарт-шароитни яратиш бўйича пухта иш олиб борилди.

Умуман олганда, 2019 йилда Ўзбекистон прагматик, конструктив ва мослашувчан ёндашувларни қўллаб, фаол, ташаббускор ташқи сиёсат олиб борди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган ташқи сиёсатимиз мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўсини ва имижини сезиларли даражада оширишга, кенг доирадаги давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан яқин алоқалар, очиқ мулоқот ва стратегик шериклик ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Марказий Осиёда умумий сиёсий ва иқтисодий вазиятни яхшилаш, хавфсизликка таҳдид ва хатарларни камайтириш асосий натижалардан бири бўлди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасини янада жадал ривожлантириш ва ортга қайтмас кенг кўламли ислоҳотлар курсини давом эттириш учун жуда муҳим ҳисобланади.

**Абдулазиз КОМИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири.**

# ИШОНСА АРЗИЙДИГАН, СУЯНСА ТОҒ БЎЛАДИГАН, ЖАҲОН АЙВОНИДА МАҒРУР ТУРАДИГАН ЁШЛАР

## эл-юртимизнинг куч ва қудратидир

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев 27 декабрь куни ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабга ташриф буюрди. Бу ерда ёшлар билан учрашув ўтказди. Давлатимиз раҳбари ўтган йили мазкур мактабни қуришга доир лойиҳалар билан танишган эди. Яқинда пойтахтимиз Тошкентда ушбу замонавий таълим даргоҳи фойдаланишга топширилди.*

### Муносабат

Президентимизнинг ёшлар билан учрашуви Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда ўтказилганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Мактабнинг муҳташам биносига қадам қўйган ҳар бир инсон ўзида табиий бир жўшқинликни ҳис қилади.

Самимий ва очиқ руҳда ўтган мулоқот давомида Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати чуқур таҳлил этилди, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

“Бизнинг бош мақсадимиз — янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат. Аммо уни ёшларсиз қуриб бўлмаслигини ҳам яхши тушунамиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, ўтган уч йилда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича 43 та қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу йўналишдаги ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тузилди.

Ёшларнинг янги ташкилоти — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, юртимизда 30 июнь — Ёшлар куни деб эълон қилинди.

Берилаётган эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишга ҳаракат қилаётган ёшлар даврдан ортда қолмасликка, эл-юрт тақдирига дахлдор яшашга интилмоқда. Жумладан, яқинда парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловларда йигит-қизлар ҳам фаол иштирок этди. Сайловчиларнинг 56 фоизини ёшлар ташкил қилган бўлса, уларнинг 2 миллиондан ортиғи биринчи марта овоз бериш жараёнларида қатнашди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланганларнинг 9 нафарини, маҳаллий Кенгашларда ғалаба қозонганларнинг қарийб 10 фоизини ёшлар ташкил этгани жуда катта ютуқдир.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, ишонса арзийдиган, суянса тоғ бўладиган, жаҳон айвонида мағрур турадиган ёшлар эл-юртимизнинг куч ва қудратидир.

Юртбошимиз бугун барча соҳада билимли, сиёсий ва ижтимоий фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган, ҳалол ва жонкуяр ёш раҳбарларга эҳтиёж тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ёш раҳбарларни саралайдиган, уларнинг лаёқатига мос лавозимларни таклиф этадиган самарали механизм яратиш, хусусан, раҳбарлик лавозимларига ҳар томонлама муносиб, ташаббускор, таянч ва суянч бўла оладиган ёшлардан “Ватан ифтихорлари” институтини жорий этиш таклифи илгари сурилди. Бу институтнинг асосий вазифаси ислоҳотларимиз ва катта режаларимизни Ватанимиз ёшларига етказиш, жойлардаги муаммоларни олиб чиқиш ва уларни ҳал қилишдан иборат бўлади.

Учрашувда бугунги кунда глобал майдонда кечаётган таҳликали жараёнларга нисбатан мустақил ва қатъий ёндашувга эга, маънавий ва жисмоний баркамол ёшларни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш учун Ёшлар иттифоқи, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта ва махсус таълим вазирлиги, Маънавият ва маърифат марказига илмий ва ижодий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда 2020 йилга мўлжалланган Ёшлар ўртасида тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ёш оилалар ўртасидаги ажримлар масаласи кун сайин долзарб тус олаётгани қайд этилди. “Оила — муқаддас” деган эзгу ғоя йўқолиб, азалий қадриятларимиз завол топиб борар экан, бу каби кўнгилсиз ҳолатларни камайтириб бўлмайди. Ёшларнинг бунга қарши ўз сўзи ва позицияси, мустаҳкам овози бўлиши керак. Ўзларининг тизимли ва асосланган фикр-мулоҳазаси билан бу муаммонинг олдини олишлари лозим”, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз бу борадаги муаммолар ечимига қаратилган қатор таклифларни ўртага ташлади. Жумладан, намунали ёш оилаларни, у шаҳарда яшайдими ёки узоқ қишлоқда яшайдими, бутун халқимизга ўрнак қилиб кўрсатишга қаратилган “Йилнинг намунали ёш оиласи” республика танлови 2020 йилдан бошлаб мунтазам ўтказиладиган бўлди. Шунингдек, ёш оилалар ўртасида ажримларнинг олдини олиш мақсадида “Фахрийлар ибрати” маслаҳат кенгаши фаолияти йўлга қўйилади. Бу кенгаш маҳаллалардаги ярашттириш комиссиялари ҳал қила олмаётган муаммони судга чиқаришдан олдин ечадиган янги таъсирчан бўғин бўлиб хизмат қилади.

Йигит-қизларни рақобатга қодир етук кадрлар этиб тарбиялаш, илмий ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, ёш олим ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган ишлар янада кўламдорлик касб этади.

Юртбошимиз бу ҳақда тўхталар экан, мамлакатимизда буюк аллома Муҳаммад Хоразмий номидаги ёш математиклар халқаро олимпиадаси муваффақиятли ташкил этилганини, ушбу тажриба асосида Ўзбекистонда физика бўйича Аҳмад Фарғоний, кимё фани бўйича Абу Райҳон Беруний, биология бўйича Абу Али ибн Сино, астрономия бўйича Мирзо Улуғбек номларидаги халқаро фан олимпиадаларини ўтказишни таклиф этди. Бу юртимизда бўлажак Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Фарғонийларни етиштиришга катта ҳисса қўшади.

Президентимиз ўсиб келаётган авлод аудиториясига йўналтирилган теле ва радиоканаллар, босма нашрларни бирлаштириб, “Ёшлар медиа холдинги” ташкил этиш таклифини билдирди.

Давлатимиз раҳбари йигит-қизларда нутқ маданияти ва нотиқлик маҳорати, маънавий ва маърифий саводхонликни кучайтириш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ватанпарварлик тарбияси ролини ошириш, халқимиз “миллий тараққиётнинг беш илдизи”, деб атаётган беш муҳим ташаббусни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологиялари ва тадбиркорликка кенг жалб этиш, ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлаш, уй-жойга эга бўлиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда бошқа қатор таклифларни илгари сурдики, уларнинг замирида ёшлар ҳаётини янада мазмунли, бахтли ва фаровон қилишдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

**Алишер САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси.**

Президент ташаббуслари — амалда

# ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## сурхондарёликлар ҳаётида ўз ифодасини топмоқда



*Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг ўзида Сурхондарё вилоятига уч маротаба ташриф буюрди. Бу, албатта, давлатимиз раҳбарининг Сурхон воҳаси, унинг меҳнаткаш одамларига бўлган юксак эътиборидан дарак беради. Ушбу ташрифлар чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, бунёдкорлик ишларини кенгайтириш, воҳада қатор йирик лойиҳаларни амалга ошириш, пировардида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, воҳани том маънода мамлакатимизнинг жанубдаги гавҳарига айлантириш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланди.*

*Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир манзилли дастур ва йирик лойиҳалар ижроси борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида мухбиримиз вилоят ҳокими Тўра БОБОЛОВ билан суҳбатлашди.*

— Якунланаётган йил Сурхон воҳаси ҳаётида тарихий, эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ташрифида олдимизда турган энг муҳим вазифалар алоҳида кўрсатиб берилди. Вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган, ҳудудларимиз қиёфасини янгилаш, одамларимиз учун ҳар жиҳатдан қулай турмуш шароитларини яратишга доир мақсадли дастурлар ва муҳим лойиҳалар ишлаб чиқилиб, унинг ижроси тўла таъминланаётир. Жумладан, яқинда Жарқўрғон туманида "Сурхонцементинвест" хорижий корхонаси томонидан 78,9 млн. долларлик йирик лойиҳа амалга оширилиб, йилига 450 минг тонна цемент ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди. Термиз туманидаги "Сурхон керамикс" МЧЖнинг керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Термиз шаҳридаги "Комфорт мебель сервис" МЧЖнинг мебель маҳсулотлари, Жарқўрғон туманидаги "Жасур агромаш сервис МТП" МЧЖнинг гипсокартон, Термиз шаҳридаги "ZIF TEXTILE" МЧЖнинг тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби кўплаб янги корхоналар ишга туширилди. Айни мақсадлар учун белгиланган 107,2 миллион доллар ўрнига 160 миллион долларга тенг тўғридан-тўғри хориж инвестицияси ўзлаштирилди.

Яна бир маълумот: вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2019 — 2021 йилларда умумий қиймати 32,6 трлн. сўмга тенг бўлган 1247 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган. Шундан 2019 йилда умумий қиймати 2 трлн. 249 млрд. сўмга тенг бўлган 455 та инвестициявий лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, амалда қиймати 2 трлн. 319 млрд. сўмлик 580 та инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилди.

**— Қулай тадбиркорлик муҳити ва инвестициявий жозибадорлик хорижий инвесторлар оқимининг ортишига хизмат қилади. Айни жиҳатлар инобатга олинган ҳолда, бу йил иккинчи маротаба "Open South International Business Forum II" халқаро бизнес форуми ташкил этилди. Мазкур форумнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз...**

— Маълумки, Сурхондарё вилояти 3 та хориж давлати билан бевосита чегарадош. Давлатимиз раҳбарининг очиқ, прагматик ташқи сиёсати туфайли қўшни давлатлар билан азалий дўстлик ва қардошлик муносабатларимиз қайта тикланиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса ўзаро борди-келди, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратиб бермоқда. Бунда "Open South International Business Forum II" халқаро бизнес форумининг ҳам аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Бу йилги тадбирда нафақат яқин қўшни давлатлар, балки 20 дан ортиқ хорижий давлатлардан 170 дан зиёд салоҳиятли инвесторлар, компаниялар, дипломатик корпус ва хорижий савдо уйлари вакиллари ҳамда 400 дан ортиқ маҳаллий ишбилармон доира вакиллари иштирок этди. Форумда Афғонистон Ислом Республикасининг Балх, Саманган, Фарёб, Жаузжон, Қандаҳор вилоятлари, Тожикистон Республикасининг Хатлон вилояти делегациялари, Венгрия, Бангладеш, Япония ва Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари, Россия, Канада, Буюк Британия, Греция, Исроил, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Қозоғистон каби давлатлардан инвесторлар билан бевосита мулоқотлар ўтказилди. Бизнес лойиҳалар муҳокама қилинди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бизнес форуми якуни бўйича жами қиймати 429,7 млн. долларга тенг бўлган 76 та инвестиция ва экспорт шартномалари имзоланди.

**— Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ҳамда "Обод марказ" дастурлари шаҳару қишлоқлар, ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда. Сурхондарё вилоятида айни йўналишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Президентимизнинг 2019 йил 20 февралдаги "Обод қишлоқ" дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятда 30 та қишлоқда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. "Обод маҳалла" дастури доирасида учта маҳалла, "Обод марказ" дастури бўйича Сариосиё туманидаги Шарғун шаҳри ва Музработ туманидаги тўртта маҳаллада йирик ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ишлари бажарилди.

Давлат дастурига асосан, вилоятдаги қишлоқ массивларида 1001 замонавий лойиҳалар асосидаги намунали арзон уй-жойлар барпо этилди.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 апрель куни Шахтёрлар шаҳрига ташрифи чоғида Шарғун кўмир конини сифатли қайта ишлаш, Шарғун шаҳри қиёфасини тубдан ўзгартириш, бу ерда яшовчи аҳоли учун қулай турмуш шароитларини яратиб бериш юзасидан берган топшириқларига кўра, "Обод марказ" дастури доирасида катта ҳажмдаги қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Хусусан, мавжуд кўп қаватли уйлар мукаммал таъмирланиб, янги замонавий тураржой бинолари, кенг ва равон йўллар бунёд этилди. Электр энергия, табиий газ, тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланиб, ҳудуднинг замонавий инфратузилмаси яратилди. Шуни ҳам айтиш керакки, Шарғунда кўмир, оҳактош, кумуш ва фосфорит каби ноёб қазилма бойликларнинг катта захираси мавжуд. Шарғун кўмир конини қайта тиклаш ва ундан самарали фойдаланиш учун "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ҳамда Хитой давлатининг Эксимбанки томонидан ажратилган маблағлар эвазига 2021 йилгача йирик ҳажмдаги лойиҳа амалга оширилиб, йилига 900 минг тонна кўмир қазиб олиш йўлга қўйилади. Бу лойиҳа шарофати билан 600 та иш ўрни яратилади.

**— Дунёга янги имиж билан юзланаётган замонавий Ўзбекистон учун туризм соҳаси иқтисодий юксалишнинг муҳим омилига айланмоқда. Шу боис ҳам туризм истиқболларини таъминлашга доир кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, сайёҳлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Сурхондарё вилояти сайёҳликнинг барча йўналишини ривожлантириш бўйича улкан салоҳиятга эга ҳудуд ҳисобланади. Шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, шундай. Воҳада анъанавий сайёҳлик билан бир қаторда, экотуризм, агротуризм, экстремал туризмни ривожлантириш учун аниқ вазифалар белгиланган. Хусусан, маданий мерос объектларини таъмирлаш, ободонлаштириш, сайёҳлар учун оммавий кўнгилочар тадбирлар ташкил этиш, меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, замонавий инфратузилма объектлари барпо қилишга доир кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Вилоятнинг ташқи ва ички туристик имкониятлари, мавжуд туристик объектлар ҳамда воҳа тарихи чуқур ўрганилган ҳолда, Сурхондарё туризм брендининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шуни ҳам айтиш керакки, жорий йилда туризм йўналишида маҳаллий ва хорижий ташаббускорлар томонидан умумий қиймати 4,1 млрд. сўм миқдоридаги жами 12 та лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, 77 та жойлаштириш воситалари,13 та меҳмонхона, 64 та оилавий меҳмон уйи фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, бу йил вилоятимиз Халқаро бахшичилик санъати фестивали, "Бойсун баҳори" очиқ фольклор фестивали, "Ўзбекистон — цивилизациялар чорраҳаси" мавзуидаги археологик форум ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича анъанавий турнир каби кўплаб йирик тадбирлар ўтказилдики, бу ҳам хорижий сайёҳларнинг қадимий ва навқирон воҳага бўлган қизиқишини янада оширди. Натижада вилоятга жорий йил давомида 114 та хорижий давлатдан 119 756 нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди ҳамда ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 3,7 баравар ўсиш кузатилди. Шу билан бир қаторда, ички сайёҳлар сони жорий йил давомида 501,8 минг нафарни ташкил этди, бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 10 баравар ортган.

**— Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида мавжуд табиий бойликлардан унумли фойдаланиш имконини берувчи бир неча йирик саноат корхоналарига ҳам тамал тоши қўйилган эди. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, саноат корхоналарини техник ва технологик янгилаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ишлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

— Сурхон заминида Менделеев жадвалидаги деярли барча элемент учрайди. Жумладан, тошкўмир, газ, цемент, нефть, мармар, ош тузи, калий тузи, оҳак, уран, полиметалл, гранит тош, олтингугурт, керамзит, гипс, кварц, йод, карбид, бром, сланс... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Воҳанинг қулай иқлими йил давомида очиқ усулда, ҳатто, уч маротаба қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳудуднинг ана шундай ўзига хос жиҳатлари кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун йўл очмоқда.

Жумладан, россиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида Бойсун туманида "Мустақилликнинг 25 йиллиги" конида лойиҳа қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ бўлган йилига 4 миллиард куб метр газни қайта ишлаш, 289 минг тонна полипропилен, 211 минг тонна полиэтилен ва 293 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқариш қувватига эга газ-кимё мажмуасини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Музработ туманида эса "Сурхон КСП Гранд" МЧЖ томонидан йиллик ишлаб чиқариш қуввати 150 минг квадрат метр бўлган қамишдан ёғоч қириндили плиталар ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди. Шеробод туманида "Комфорт инерт сервис" МЧЖ томонидан йиллик ишлаб чиқариш қуввати 150 минг квадрат метр бўлган гранит плиталарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, Сариосиё туманида Тўполанг дарёсида "Зарчоб" кичик гидроэлектр станцияси каскадларини қуриш ишлари амалга оширилади.

Шунингдек, Шеробод туманида Корея Республикасининг "NCG Engineering Co LTD Company" томонидан йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1 млн. тонна бўлган цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш йўлга қўйилади.

Туркиянинг "Azom Enerji Mьhendislik Insaat Ticaret Limited Sirketi" компанияси томонидан 100 гектар ер майдонига лимончилик кластерини ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилади.

Умуман, жорий йилда вилоят бўйича 107,2 млн. долларга тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган бўлиб, амалда жорий йилнинг январь — декабрь ойларида жами 160 млн. долларлик ёки белгиланган режага нисбатан 1,5 баробар ортиқроқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди. 2020 — 2022 йилларда эса 900 млн. долларга тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланган.

**— Бугун вилоятнинг маъмурий маркази Термизни улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Янгидан бунёд этилаётган маданий-маиший, сервис ва хизмат кўрсатиш иншоотлари, кўп қаватли тураржой бинолари кўҳна ва навқирон кентга замонавий қиёфа касб этиши баробарида, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга хизмат қилмоқда. Қурилиш, бунёдкорлик ишларининг бориши ва яқин келажакдаги режалар қандай?**

— Термиз ўзининг янги ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда, гўё. Замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида бунёд этилаётган бири-биридан кўркам иншоотлар, кенг ва равон йўллар, Амударё дам олиш маскани каби гўзал боғ ҳамда хиёбонлар кўз ўнгимизда Термизни йирик мегаполис шаҳар сифатида гавдалантирмоқда.

Биргина Термиз шаҳрида 2019 йилда давлат дастурларига асосан, жами 5218 хонадонли 101 кўп қаватли уй-жойлар қуриш ишлари олиб борилмоқда. Шундан тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобидан 1474,0 млрд. сўмлик 70 та (4, 5, 9 қаватли), 3830 хонадонли уй-жойлар ҳамда ташаббускор тадбиркорларнинг ўз маблағи ҳисобидан жами 330,8 млрд. сўмлик 13 та 728 хонадонли тураржой бинолари барпо этилди.

Шаҳарда 10 та 7 қаватли 420 хонадонли арзонлаштирилган уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар учун 8 та 5 қаватли 240 хонадонли уй-жойларни қуриш ишлари якунига етказилди.

Инвестиция дастурига асосан, 37,4 млрд. сўм ҳисобидан, жами 8 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

Ўтган давр мобайнида Термиз шаҳридаги 14,7 км. марказий ва кичик ҳалқа йўли таркибидаги автомобиль йўллари 28 миллиард 263 миллион сўмлик маблағ эвазига реконструкция қилинди. 117,6 км. маҳалла ички йўлларини жорий таъмирлашга 18 млрд. 140 млн. сўмлик маблағ йўналтирилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Президентимизнинг 2017 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ Термиз шаҳрида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази қад ростлади. Марказда ислом дини, Қуръони Карим ва ҳадис илмининг асл моҳияти, Имом Термизий ва термизий аллома, мутафаккир зотлар мероси чуқур ўрганилади, ёзма манбалар тизимли тадқиқ этилади. Марказ ёнида Ҳаким ат-Термизий номидаги жоме масжиди барпо этилди.

Термиз туманидаги Султон Саодат мажмуасини реконструкция қилиш, унинг ҳудуда масжид, автомобиллар тураржойи ва мажмуага борадиган йўл ёқасида намунавий уйлар барпо этиш ишлари давом эттирилмоқда.

Вилоятнинг маъмурий марказида бунёд этилаётган кўплаб савдо, маданий-маиший ва хизмат кўрсатиш иншоотлари, аҳоли дам олиш масканлари шаҳар кўркига кўрк бағишлаб, одамлар тумуш фаровонлиги кўзгуда акс этаяпти, десак, ўринлидир.

**— Одамларни рози қилиш, уларнинг дарду ташвишларини аритиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга доир изчил саъй-ҳаракатлар аҳолининг давлатга бўлган ишончини ошириб, жамиятимизда адолат тамойилларини қарор топтиришнинг муҳим шартига айланди. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлаш, жамиятда адолат тамойилларини қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай эмасми?**

— Биз ўз фаолиятимизда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб келмоқдамиз. Мунтазам сайёр қабуллар ташкил этиш, уйма-уй юриб халқ билан бевосита мулоқот қилиш натижасида йиллар мобайнида йиғилиб қолган, халқимизни қийнаётган муаммоларни аниқлаб, уни бартараф этишга астойдил киришганмиз. Ҳар бир ҳудудда аниқланган камчиликлар бўйича "Йўл хариталари" шакллантирилиб, унинг ижроси босқичма-босқич таъминланмоқда. Кенг аҳоли қатламининг талаб ва истакларини ўрганиш, улар мурожаатларини қайд қилиб бориш мақсадида ижтимоий тармоқлардан ҳам унумли фойдаланмоқдамиз.

Жорий йилнинг ўтган даври Термиз шаҳар ва туманлардаги энг олис ҳудудларда жами 39 маротаба оммавий сайёр қабуллар ҳамда учрашувлар ўтказилиб, бу қабулларда 4363 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилган. Шундан 3073 таси ёки 70,4 фоизи ижобий ҳал этилди.

Қабулларда ўрганилган аҳоли муаммоларини бартараф этиш учун вилоят маҳаллий бюджетидан 9 млрд. 480 млн. сўм маблағ ажратилган.

Таъмирга муҳтож бўлган 123 км. ички йўллар тупроқ йўлдан тош йўлга айлантирилган, 29 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига ичимлик суви тармоқлари тортилган ва 130 мингдан ортиқ аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилган.

Биргина 2019 йил февраль ойида Ангор ва Денов туманларида ўтказилган сайёр қабуллар мобайнида, Денов туманидаги 14 та маҳаллада тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1 млрд. сўм, ички йўлларни тошлашда ёнилғи мойлаш материаллари сотиб олиш учун 500 млн. сўм ҳамда Ангор туманидаги 9 та маҳаллани тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 700 млн. сўм, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш учун 800 млн. сўм миқдорида маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида электрон мурожаатлар сони 4 986 тани ташкил этиб, барчаси рўйхатга олинган ва мурожаатлар ўрганилиб, қонунда белгиланган муддатлар ичида муаллифларга ёзма равишда жавоб хатлари берилиши таъминланиб келинмоқда.

Олдимизга қўйилган вазифалар кўп. Уларни бажариш учун бор куч-имкониятимизни ишга соламиз. Мақсадимиз ислоҳотлар самараси сурхондарёликлар ҳаётида ўз ифодасини топсин.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»)**
**суҳбатлашди.**

Шукуҳ



# БУ ГАЛГИ БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН БОШҚАЧА

*Юртимизда Янги йил шукуҳи кезиб юрибди. Пойтахтимизда ҳам байрамга ўзгача тайёргарлик кўрилди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси яқинидаги майдонга ўрнатилган, баландлиги 36 метрли улкан арча ранг-баранг ўйинчоқ ва чироқлар билан безатилди. Ҳудудга қўшимча арчалар, савдо шохобчалари, ўйин майдончалари, турли аттракционлар ва ўйин қурилмалари ўрнатилди. Дўконлар фаолият кўрсатмоқда. Бу ер одамлар билан гавжум. Ҳаммада кўтаринки кайфият. Айниқса, болажонларнинг қувончи чексиз.*



— Турмуш ўртоғим ва қизимни олиб Тошкентга меҳмонга келдик, — дейди сурхондарёлик Баркамол Муқимов. — Ўтаётган 2019 йил мен учун ҳар жиҳатдан қувончли келди. Қизли бўлдим, оталик бахти насиб этди. Врачлар малакасини ошириш институтига ўз йўналишим бўйича олти ойлик ўқишга қабул қилиндим. Шахсий автомобилим бўлишини неча йиллардан буён орзу қилиб юрардим, Худога шукр, бу ниятим ҳам амалга ошди. Қисқаси, бу йил ҳаётимда қувончли янгиликлар кўп бўлди. Тинчлигимизга кўз тегмасин, янгиланаётган юртимизда Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар бардавом бўлсин. Байрамлар байрамларга уланаверсин.

Пойтахтимизда биринчилардан бўлиб "Tashkent city"да ўрнатилган 24 метрли арча атрофи ҳам гавжум. "Шаҳар ичидаги шаҳар" ўзининг илк Янги йилини ўзгача руҳда нишонлашни бошлаб юборди. Бу ерда шоколад, пицца, пишлоқ фестиваллари ҳамда карнаваллар ўтказиляпти. Таниқли хонандалар иштирокида байрам концертлари барчага кўтаринки кайфият улашмоқда.

— "Tashkent city" янгиланаётган Ўзбекистоннинг чинакам тимсолига айланди, — дейди тошкентлик Насиба ая Жўраева. — Бундан бир неча йил аввал бу ерда муҳташам, осмонўпар бинолар қурилади деса, ҳеч ким ишонмасди. Мана бугун қаранг, бу ерда тасаввуримизга сиғмайдиган бунёдкорлик ишлари бажарилди. Байрам баҳонасида неварамни бу ерга айлантиргани олиб келиб, дилим яйради. Янги йил томошалари ҳам ўзгача ташкил этилибди. Шу кунларга етказганига Аллоҳга беҳисоб шукр айтаман. Кириб келаётган 2020 йил мамлакатимиз учун ҳар жиҳатдан баракали келсин.

Байрам тадбирлари юртимизнинг барча ҳудудида ўзгача шоду хуррамлик ва кўтаринки кайфиятда ўтмоқда.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Мушоҳада

# «АҚЛЛИ БОҒЧА»

## Унинг қандай афзалликлари бор?

***Ҳар бир ота-она фарзандларининг келажаги порлоқ бўлишини, Ватанга, эл-юртга камарбаста, комил инсон сифатида вояга етишини орзу қилади. Бу йўлда бор меҳрини бериб, зурриёти учун ҳамма имкониятларни яратишга интилади. Бола улғайгани сари онги, ақли ҳамда феъл-атвори ҳам шакллана бошлайди. Ота-оналар амалиётда исботланган ва қулай янги тарбия усулларини қидиради. Мақсад битта — барча қилган дуолари, орзу-умидлари ижобат бўлишини жуда истайди.***

Мутахассислар фарзанд таълим-тарбияси билан уларнинг уч ойлигидан бошлаб шуғулланиш керак, дейди. Боланинг мактабгача даврини иккига бўлиш лозим, яъни боғча ёшигача ва мактаб ёшигача. Умуман олганда, мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбия ишларига эътибор Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошқарувининг биринчи кунларидаёқ намоён бўла бошлади. Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.

Таниқли япон олими Масару Ибука бола онги уч ёшгача 70 — 75 фоиз шаклланишини илмий асосда исботлаб берди. "Ундан кейинги таълим-тарбия ишлари ривожланаётган бола онгига мазмун беришдан иборат бўлиши керак", дейди Масару Ибука. Унинг бу йўналишдаги илмий-амалий хулосалари "Уч ёшдан кейин кеч" деб аталган оламшумул китобида ёритилди. Буни айрим болаларнинг ҳаёти мисолида илмий асосда таҳлил қилиб исботлайди.

Дунё олимлари тан олган ва ўта катта қизиқиш уйғотаётган бу ғояга асосланган ҳолда "Ақлли боғча" тизимини яратиш ва унда қўлланиладиган ноёб таълим-тарбия усулига асосланган тўртта инновацион лойиҳа ишлаб чиқилди. Республикамизда мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришдаги ушбу инновациявий ёндашув соҳа мутахассислари, олимлар ва мутасадди раҳбарлар томонидан ўрганилди ҳамда боғча ёшидаги болаларнинг таълим-тарбия усулида янгилик, деб эътироф этилди. Болаларга боғча шароитида таълим беришнинг ноёб, муқобил усулларини излаш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигига Президентимиз қарори асосида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида алоҳида урғу берилган.

Тавсия этилаётган лойиҳаларнинг асл мақсади — болаларнинг эркин ҳолатда касб йўналишини танлашидаги айрим камчиликларни бартараф қилишдан иборат.

"Ақлли боғча"нинг биринчи лойиҳасидаги янгилик — мактабгача таълим муассасаларида, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, махсус касб хоналарини қуриш ҳисобланади.

Албатта, ҳозирги боғчаларда ҳам болаларни касбга йўналтирувчи машғулотлар бор. Барча болалар билан тарбиячи бошқарувида машғулот ўтказилади. Бироқ ҳар бир боланинг тарбиячи жалб этаётган касбга қанчалик қизиқиши, оиладаги касбга йўналтирувчи кўрсатмалар ҳар бир болага қанчалик мослиги инобатга олинмайди. Аслини олганда, касб йўналишини танлашни боланинг ўзига қўйиб бериш керак. Бола эркин ҳолатда касб хонасида тўрт йил давомида ҳар куни махсус тарбиячилар билан машғулотлар ўтказса, онгли равишда, туғма қобилиятларини қўллаган ҳолда, ўзига ёққан касб йўналишини танлайди. Масалан, техника, санъат, тиббиёт, ботаника, ҳайвонот дунёси, география, фундаментал фанлар хоналари ташкил этилиши мумкин. Мазкур хоналар болалар эътиборини тортадиган, касб йўналишига доир маълумотлар, мультфильм ва ўйинчоқлар билан таъминланади.

Боғчага биринчи марта келган болаларга тарбиячи барча касб хоналарини кўрсатади ва касбий тарбиячи билан таништиради. Болаларга "хоҳлаган касб хонасига кираверинг. Сизни қайси касб йўналишидаги хона қизиқтирса, шу хонада машғулот ўтказишингиз мумкин", деб уларга эркин ҳолатда касб хоналарига киришга имконият яратилади. Кейинги кундан эса касб йўналиши бўйича дипломли тарбиячилар бундай хоналарга эркин ва ихтиёрий равишда кирган болалар билан ҳар куни 2 — 2,5 соат машғулотлар, шоу ва касб йўналиши бўйича қизиқарли ўйинлар воситасида касбий таълим берадилар.

Боғчага қабул қилинган болалар, ёшидан қатъи назар, тарбия ва таълим жараёнида касб хоналарида қайси йўналишга қизиқиши узлуксиз кузатиб борилади. Боланинг мактабгача ёшида унинг онги ва ақл доирасининг жадал суръатда кенгайиши ҳамда қайси касбни танлаганлиги, қизиқиши қандай кечаётганлиги йиғилган маълумотлар асосида ҳар ойда таҳлил қилинади. Натижада 4 йиллик таълим жараёнида олинган маълумотлар социологик тадқиқ қилиниб, боланинг ҳар бир касбга қизиқиш даражаси неча фоиз эканлиги аниқланади. Мисол учун, бир бола 4 йил давомида техника йўналишига 70 фоиз, табиат йўналишидаги касбга 20 фоиз, санъатга эса 10 фоиз қизиқиб таълим-тарбия олган бўлса, кейинги босқичда бу бола мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида танлаган касб йўналишига оид яратилган шароитдаги синфларда билим олиб, албатта, техника соҳасининг етук, ижодкор ва замон талабига мос, масъулиятли мутахассиси бўлиши аниқ.

Бу усулнинг яна бир аҳамияти шундаки, боланинг ўзи танлаган касб йўналиши кейинчалик ёқмай қолса, машғулотда чарчаса, у иккинчи кўрсаткич, яъни табиат йўналишида ўқишни давом эттириши мумкин. Яна бир афзаллиги — болаларнинг тарбия жараёни комплекс ёндашув тизимига эгалиги. Яъни ота-оналар фарзандларининг қандай касб йўналишига қизиқаётганликлари тўғрисидаги маълумотлар асосида уйда ҳам боланинг қизиққан касбига хос шароитларни яратиш имкониятига эга бўладилар. Натижада самарадорлик янада ортади.

Тавсия этилаётган "Ақлли боғча"нинг иккинчи лойиҳаси жаҳон тажрибалари ва стандартларидан келиб чиқиб яратилган мактабгача таълим муассасаси биносидир.

Учинчи лойиҳа — уч ойликдан етти ёшгача бўлган бола онги шаклланишининг мусиқавий антология тўпламини яратиш. Ушбу мусиқавий антология "Ақлли боғча"-да таълим олаётган болаларимизнинг ота-оналари ва тарбиячи мутахассислар учун яратилган мусиқий қўлланмадир.

Инновацион ғоянинг тўртинчи лойиҳасига кўра, "Мактабгача ёшдаги болаларнинг шарқона тарбия энциклопедияси" яратилади. Ушбу тавсия этилаётган энциклопедияда ривожланган давлатларда бола тарбиясига доир илғор инновация усуллари алоҳида бобларда ёритилади. Аввало, энциклопедиянинг биринчи бобида мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда туркий миллатларнинг "Авесто" тарихидан бугунги кунгача бўлган манбалар асосида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, ривожланган давлатларда амалда қўлланилаётган илғор тарбия усуллари ва замонимизда етишиб чиққан буюк алломалар ҳаётига доир тарбия усуллари ва уларни жаҳон цивилизацияси хазинасига қўшган ҳиссалари алоҳида-алоҳида бобларда қайд этилади. Болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга бағишланган махсус бобда ижтимоий, миллий, оилавий, касбий камчиликлар, қусурлар, салбий иллатлар ҳақида ҳам маълумотларни ёритиш тавсия этилади.

Мазкур инновацион тўрт лойиҳанинг энг асосий мақсади мактабгача ёшдаги болаларда касб йўналишидаги туғма мойилликни аниқлашдир. Бола зўраки ташвиқот билан эмас, балки ўз хоҳишига кўра эркин ҳолатда мутахассис-тарбиячи назоратида касб танласа, албатта, у жамият учун фойда келтирадиган етук мутахассис бўлиб етишади.

**Эркин ҚОСИМОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,**
**техника фанлари доктори, профессор.**

QISHLOQQURILISHBANK

Барча юртдошларимизни кириб келаётган
ЯНГИ — 2020 ЙИЛ
билан самимий табриклаймиз.
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хотиржамлик ва фаровонлик тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютадаги қуйидаги омонатларни таклиф этамиз:

"БАРАКА" — омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси — йиллига 23%.

"РАҒБАТ" — омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси — йиллига 23%.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

*Маълумот учун:*
*(+99878) 150-93-39*

"Қишлоқ қурилиш банк" - фаровон ҳаётингиз хизматида!

*www.qqb.uz* *Хизматлар лицензияланган.*

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Азиз ватандошлар ва юртимиз меҳмонлари!

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки жамоаси

Сиз азизларни яқинлашиб келаётган 2020 йил билан қутлайди!

Сизларга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга қут-барака, бахт ва омад, дастурхонларингизга тўкинлик, фаровонлик ва Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятларингизда улкан ютуқлар тилайди.
Янги йилда барча ўйлаган ниятларингиз амалга ошсин.
Ўзбекистонда доимо тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурсин!
«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки мижозлар учун барча турдаги кенг кўламли банк маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилади.

Тел.: 78-140-00-88.
Веб-сайт: www.trustbank.uz
Телеграм: https://t.me/trustbankuz
Фейсбук: https://www.facebook.com/trustbank.uz
Инстаграм: https://www.instagram.com/trustbank_uz/?hl=ru

*«Трастбанк» — ишонч билан юзма-юз!*

*Хизматлар лицензияланган.*

fido-biznes

*«FIDO-BIZNES» компанияси азиз ҳамюртларимиз, ҳамкорларимиз ва ҳамкасбларимизни кириб келаётган 2020 йил билан муборакбод этади!*
*Барчангизга соғлик-саломатлик ва фаровонлик тилайди!*
*Янги йил барчамиз учун тинчлик ва тотувлик, омад ҳамда бахт йили бўлсин!*

KAFOLAT 12 OY UZLUKSIZ ISHLASHIGA, 5 YIL BEPUL XIZMAT

*САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ!*
*100 дарддан халос этувчи ноёб даволаш профилактика ускунаси*

*Электр сандал «PGS-032» (танча) табиий ва экологик тоза материал — сополдан ясалган ноёб ускуна.*
*Маълумки, сопол иссиқни яхши сақлайди ва инсон танасига хуш ёқади, турли касалликларни даволовчи, олдини олувчи таъсир кўрсатади.*



MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN.
Tel.: 71-279-38-54, 71-279-25-23.
www.pgs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6